



**МАМЛАКАТИМИЗДА СУД – ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ
ИСЛОҲАТЛАР ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРНИ РЎЁБГА
ЧИҚАРИШНИНГ ЁРҚИН ДАЛИЛИ СИФАТИДА**

Авазов Жамшид Аҳад ўғли

Термиз давлат университети

Юридик факултети 4-босқич талабаси

Ирназаров Шухрат Нажметдинович

Термиз давлат университети Юридик факултети

Жиноят ҳуқуқи ва фуқаролик протсесси ўқитувчиси

Аннотатсия: Ушбу мақолада инсон ҳуқуқларини таъминлашда амалга оширилаётган ишлар, аҳоли турмиш фаровонлигини йўлга қўйишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳатлар, амнистия ва афв актларининг ўзаро бир-биридан фарқли жиҳатлари тўғрисида сўз боради. Шунингдек, эркин ва фаровон ҳаёт ҳамда демократик-ҳуқуқий давлат қуришда олдинда турган стратегик вазифаларга доир асосий ва долзарб масалалар ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар: маънавият, инвестициявий низо, маиший зўравонли, “Рақамли суд”, санкция, жазо, жавобгарлик, жиноят, амнистия ва афв, “Учинчи Ренессанс” ва бошқалар.

Инсон сиз ўйлагандан кўра қадрлироқдир!

Уильям Шекспир

Бу дунёда қанча инсон бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. “Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушиниш, англаш керак”, дейди - давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев. Ҳам ўзлигини, ҳам инсоний кадр-қимматини англаб етган ҳар қандай шахс бу ҳақда ўйлаши табиий. Чинакам инсонпарвар жамият ҳамиша барча соҳада маънавий



юксакликка интилади. Шундай эзгу йўл, эзгу амал боис бошқаларга ҳам ибрат бўлади. Ҳар бир инсон улуғ ишларга қодир. Лекин у адашиши, янглишиши ҳатто ижтимоий хавфли қилмиш содир этиши, жиноятга қўл уриши, турли хил қабихликларга йўл қўйиши мумкин. Лекин давлат тизими энг юксак кадриятлар асосида инсонни маънавий-моддий, руҳий рағбатлантириш билан бир қаторда ҳуқуқбузарликлар, ғайриқонуний хатти – ҳаракатлар содир этганда жазолаш механизми – ҳуқуқий таъсир чораларини ҳам ишга солади. Яшамоқ тартиби шу! Қонунлар тартибга солувчи, маънавий муҳитни барқарор қилувчи таянч мезонлардир. Адолат тарозисининг бир палласида жиноят турса, иккинчи палласида қонунлар туради.

Бу борада судлар зиммасидаги масъулият ғоят катта. Мустақиллигимизнинг кейинги йилларида одил судлов соҳасида бир қатор ислоҳатлар амалга оширилди. Оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг анчагина қисми ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Айниқса, 2008-йилнинг 1-январидан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилиниши, қамокқа олишда санкция бериш ҳуқуқининг прокуратурадан судларга ўтказилиши тўғрисидаги демократик ислоҳатлар дунё жамоатчилиги томонидан катта ҳайрихоҳлик билан кутиб олинди. Ўлим жазоси умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланади. Аҳамиятлиси, у аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланиши мумкин эмас.¹

Бошқача қилиб айтганда, қасддан инсон ва инсониятга, тинч ва фаровон ҳаёт кечираётган аҳолига нисбатан қилинган ёвузликкина ана шундай оғир жазога тортилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 51-моддаси, 31-бет. 22.09.1994



Шуни билиш ўринлики, умрбод озодликдан махрум қилиш жазоси, Германия ва Польшада 5 турдаги, Россия ва Белгияда 6, Францияда 18, Голландияда 19 турдаги жиноятлар учун қўлланилади. Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон дунёда энг инсонпарвар ҳуқуқий демократик тизимлардан бирини жорий этмоқда.

Бизга маълумки, жиноят содир этган шахсга нисбатан адолатли ва муносиб жазо тайинлашдан асосий мақсад, унинг жиноий фаолият билан шуғулланишининг олдини олиш ва уни шахс сифатида қайта тарбиялаш ҳисобланади. Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари эса қуйидагиларни ўз ичига олиб, жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри тадбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.²

Давлатимизда суд-ҳуқуқ тизими янада ислоҳ қилиниб, қар томонлама такомиллаштирилди. Сўнгги йилларда бу соҳада изчил ишлар йўлга қўйилиб, судлар жазоловчи органдан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тизимга айлантирилди.

Жумладан, маъмурий судлар ташкил этилди. Маиший зўравонликнинг олдини олишга қаратилган самарали чоралар йўлга қўйилди. Оилавий масалаларга ихтисослашган судьялар корпуси яратилди ва жойларда оила судлари фаолият юрита бошлади. Инвестициявий низолар бўйича алоҳида судлов таркиби такшил этилди.

Бу каби ислохотларни фуқаролар ўз ҳаётида сезмоқда, хорижий экспертлар муҳим қадам сифатида эътироф этмоқда. Шу билан бирга, судловнинг очиқлиги ва халқчиллигини таъминлаш, рақамлаштириш орқали одамларга қулайлик яратиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича кўп масалалар ўз

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 2-моддаси, 4-бет. 22.09.1994



ечимини топмоқда. Бу борада судларнинг ихтисослашуви, жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар катта аҳамият касб этади.

Одил судлов тизимини рақамлаштириш, соҳани туб сифатдан ислоҳ этиш мақсадида ривожланган давлатларнинг тажрибаси асосида “Рақамли суд” концепцияси йўлга қўйилди ва уни изчил амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Бу коррупциянинг олдини олиш, судларга бўлган амалий ишонч шунингдек, фуқаролар ва тадбиркорларга оворагарчиликсиз одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Таҳлилларга кўз ташлайдиган бўлсак, фуқаролик ва иқтисодий судларда кўриладиган даъволарнинг катта қисмини низосиз ишлар ташкил этмоқда. Шу боисдан бундай масалаларни маъмурий органлар ваколат доирасига ўтказиш таклиф этилмоқда. Бу фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари муаммоларининг қисқа муддат ичида самарали ҳал этилишини таъминлайди.

Яна бир қулайлик шуки – маъмурий ва иқтисодий суд ишларини экстерриториал тарзда кўриш тартибини жорий этиш. Бугунги рақамли технологиялар асрида бунинг имкони бор, албатта.

Адолат, қонунийлик ва ишончни таъминлашда судьялик лавозимининг барқарорлиги муҳим. Шу мақсадда судьяликка тайинлаш муддатларини қайта кўриб чиқиш кўзда тутилмоқда. Барча йўналишдаги судлар тизими бўйича минтақавий тафтиш судларини ташкил этиш, вилоят ва унга тенглаштирилган судлардаги тафтиш инстанцияларини тугатиш таклифи илгари сурилмоқда. Бунда вилоят ва унга тенглаштирилган судларда фақатгина апелляция ва кассация инстанцияси бўлиши, тафтиш инстанцияси эса 5 та минтақавий судда ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев энг азиз умуммиллий байрамимиздан бири ҳисобланмиш – Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг 34 йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатининг амалий исботи сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон



бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Ушбу Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий равишда ўтган 523 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 195 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 147 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 87 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 94 нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 8 нафарини чет эл фуқаролари, 45 нафарини аёл, 31 нафарини 60 ёшдан ошган эркак, 220 нафарини ёшлар (шулардан 1 нафари вояга етмаган) ҳамда 15 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.³

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида прокуратура ва тегишли идоралар томонидан озод этилган шахсларни яшаш жойига етказиш ишларини самарали ташкил этиш, шунингдек, чет эл фуқаролари бўлган шахсларни ўрнатилган тартибда ўз ватанига депортация қилиш ишлари ташкил қилинди. Шунингдек, озодликдан маҳрум этилган барча шахслар профилактика ва синов дафтарига жойлаштирилиши белгиланди. Уларга бир марталик моддий ёрдам, зарур ҳолларда — чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтиш ва даволаниш, кредит ва субсидиялар олиш, ишга жойлашиш шунингдек, пенсия олиш ва фуқаролик ҳужжатларини расмийлаштиришда кўмак кўрсатилади.

³ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. 28.08.2025



Шу ўринда мазкур мақолада сўнггида амнистия ва афв актларининг бир-бирдан фарқли жиҳатлари ҳақида тўхталсак:

1. Қайси орган ёки ким томонидан қабул қилинади?

Амнистия – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати;

Афв – Ўзбекистон Республикаси Президенти.

2. Кимларга нисбатан қўлланилади?

Амнистия – жиноий жавобгарликка тортилган шажслар гуруҳига;

Афв – жиноий жавобгарликка тортилган муайян шахсларга.

3. Қандай турдаги ҳужжат қабул қилинади?

Амнистия – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати қарори;

Афв – Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони.

4. Ким ташаббус билан чиқади?

Амнистия – Ўзбекистон Республикаси Президенти (тақдимнома);

Афв – маҳкумлар (илтимоснома).

5. Қўллаш масаласини бажарувчи шахслар:

Амнистия – Ўзбекистон Республикаси судлари;

Афв – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича махсус комиссия.

6. Қўллаш мумкин бўлган босқичлар:

Амнистия – жиноий ишнинг барча босқичларида;

Афв – ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг.

7. Ҳуқуқий оқибатлари:

Амнистия – шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиши;

Афв – маҳкумга тайинланган умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми енгилроғи билан алмаштирилиши.

Иккаласидан ҳам юзага келадиган умумий ҳуқуқий оқибатлар:

– маҳкум асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан озод этилиши;

– маҳкумга тайинланган асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазо муддатининг камайтирилиши;



- маҳкум жазо муддатидан илгари шартли равишда озод этилиши;
- маҳкумга тайинланган жазонинг ўталмаган қисми енгилроғи билан алмаштирилиши;
- судланганликни олиб ташланиши.⁴

Қабул қилинаётган қонунлар ва олиб борилаётган ислоҳатлар замирида инсон манфаатлари устунлигини таъминлаш, жамият ва халқ фаровонлиги янада раванқ топтириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланмоқда. Бу эса ўз навбатида Янги Ўзбекистон демократиясининг изчилликда олиб борилишида ва аҳоли фаровон турмуш тарзининг юқори салмоқда ўсишида кузатилади. Бугун олиб борилаётган ишлар ва чора-тадбирларнинг барчаси эртанги юксак келажакнинг асоси бўлиб, буюк миллат шаклланишида дастурамал бўлиб хизмат қилади. Эркин ва фаровон ҳаёт ҳамда демократик ҳуқуқий давлат қуришда амалга оширилаётган ишлар ва вазифалар “Учинчи Ренессанс” пойдевори қурилишидаги илк дадил қадамдир десам муболаға бўлмайди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-19-бетлар, “Ўзбекистон” 01.05.2023
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 51-моддаси, 31-бет. 22.09.1994
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 2-моддаси, 4-бет. 22.09.1994
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят–ижроия кодекси 7-9-моддалари, 6-7-бетлари. 25.09.1997.
5. “Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи. 174-сон. 29.12.2012
5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. 28.08.2025
6. [T.me/huquqiyaxborot](https://t.me/huquqiyaxborot) – Телеграм канали

⁴ [T.me/huquqiyaxborot](https://t.me/huquqiyaxborot) – телеграм канали